

**ПРОБАЦИЯ ХИЗМАТИНИНГ ШАРТЛИ ХУКМ ҚИЛИНГАН ШАХСЛАР
ХУЛҚ-АТВОРИ УСТИДАН НАЗОРАТНИ АМАЛГА ОШИРИШ, УЛАРНИНГ
ШАХСИЙ ЙИГМА ЖИЛДЛАРИНИ ЮРИТИШ ФАОЛИЯТИ.**

Умаралиева Дилшодахон Набижоновна

ИИВ Академияси Хуқуқбузарликлар профилактикаси кафедраси катта ўқитувчиси

Амриддинов Ислом Амриддинович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси курсанти

Аннотация: Ушбу мақолада, пробация хизматининг шартли ҳукм қилинган шахслар хулқ-атвори устидан назоратни амалга ошириш тартиби, ўзига хос жихатлари, назорат қилиш жараёнидаги асосий вазифалар, амалий механизмлари ва ҳуқуқий асослари ёритилиб, пробация инспекторлари томонидан шартли ҳукм қилинган шахслар билан ишлашда маҳкумларга суд томонидан юклатилган мажбурият ва чекловларни бажармаган тақдирда келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: шартли ҳукм, назорат, хулқ-атвор, синов муддати, ҳукм, жазо, синов, мажбуриятлар, шахсий йиғма жилд.

Аннотация: В данной статье освещаются порядок осуществления контроля за поведением условно осужденных лиц службой пробации, ее особенности, основные задачи в процессе контроля, практические механизмы и правовые основы, а также анализируются правовые последствия, возникающие в случае невыполнения инспекторами пробации обязанностей и ограничений, возложенных на осужденных судом при работе с условно осужденными лицами.

Ключевые слова: пробация, надзор, поведение, пробация, наказание, наказание, пробация, обязанности, личное дело.

Annotation: This article examines the procedure for probation service to monitor the behavior of conditionally convicted persons, its specifics, the main tasks in the process, practical mechanisms, and legal foundations, as well as analyzes the legal consequences that arise if probation inspectors fail to fulfill the duties and restrictions imposed on convicts by the court when working with conditionally convicted persons.

Keywords: probation, supervision, conduct, probation, punishment, punishment, probation, duties, personal file.

Жамиятда жиноятчиликлар профилактикаси ва жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда, Пробация хизмати муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси “Жиноят-ижроия кодекси”, Ўзбекистон Республикасининг “Пробация тўғрисида” ги

Қонуни асосида шартли ҳукм қилинган шахсларни назорат қилиш, уларнинг ҳуқуқий ҳулқ-атворини таҳлил қилиш ва қайта ижтимоийлашувига кўмаклашиш, назорат жараёнида тўпланган маълумотларни тизимли равишда ёзма кўринишда акс эттирувчи шахсий йиғма жилдларини юритиш пробация органларининг асосий вазифаси сифатида белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси артли ҳукм қилинган шахсларнинг ҳулқ-атвори устидан назорат ички ишлар органлари, ҳарбий хизматчиларга нисбатан эса — улар хизматни ўтаётган жойдаги ҳарбий қисмлар (муассасалар) кўмондонлиги томонидан амалга оширилади.

Шартли ҳукм қилинган шахслар устидан назорат қилиш тартиби, Жиноят-ижроия кодексининг 32-боби билан тартибга солинган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 176-моддасига асосан пробация инспектори шартли ҳукм қилинган шахсларни рўйхатга олади ва суд белгилаган синов муддати мобайнида уларнинг зиммасига юкланган мажбуриятлар бажарилишини текшириб боради.

Синов муддати ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади¹⁷¹.

Ички ишлар органлари шартли ҳукм қилинган шахсларни рўйхатга олади ва суд белгилаган синов муддати мобайнида уларнинг зиммасига юкланган мажбуриятлар бажарилишини текшириб боради.

Ҳукм нусхасини ижро учун қабул қилинган кунинг ўзид:

✓ Масъул пробация хизмати инспектори «E-probasiya» электрон ахборот тизими орқали келиб тушган ҳукмни, шахсий кабинетига логин парол орқали кириб электрон рақамли имзоси билан қабул қилади.

✓ пробацияга оид ахборот тизимига ушбу шахснинг шахсга доир маълумотларини ҳамда суднинг ҳукми, ажрими ёки қарори тўғрисидаги маълумотларни киритади;

✓ ҳукм чиқарган судга ҳукмни ижрога қаратилганлиги юзасидан хабарнома юборади;

✓ назорат остига олинган шахс тўғрисида маълумотни “VPN” марказлашган электрон дастурига киритади;

✓ назоратга олинган шахс, унга нисбатан қўйилган тақиқ ва у томонидан ушбу тақиқларга риоя этилишини назорат қилиши юзасидан ҳудудий профилактика инспектори ва жиноят қидирув ходимига билдиргилар юборилади;

¹⁷¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 179-моддаси

✓ маҳкум ҳарбий хизматга чақирилувчи бўлса, унинг пробация хизмати ҳисобига олинганлиги тўғрисида тегишли туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимига белгиланган тартибда хабарномаларни юборади.

✓ Ҳарбий қисм (муассаса) қўмондонлиги 10 кунлик муддат ичида маҳкум рўйхатга олинганлиги тўғрисида, хизматни тугатганидан кейин эса, жўнаб кетганлиги тўғрисида пробация бўлимига хабар қилиши шарт¹⁷².

Суддан келиб тушган ҳукм (ажрими) нусхаси ички ишлар органида рўйхатига олиниб, ички ишлар органи раҳбарининг кўрсатмаси билан пробация бўлимига топширилади. Шу куннинг ўзида суд ҳукми (ажрими) ҳисобга олиш журналида қайд қилиниб, шартли ҳукм қилинган шахсга нисбатан назорат йиғма жилди очилади. Назорат йиғма жилдининг тартиб рақами ҳисобга олиш журналида қайд қилинган маҳкумнинг тартиб рақамига мос бўлиши керак.

Ҳисобга олинганлиги тўғрисида судга, маҳкумнинг иш ёки ўқиш жойи маъмуриятига, ҳарбий хизматга мажбур бўлган маҳкумлар тўғрисида тегишли туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимига хабарнома жўнатади.

Назорат йиғма жилди пробация бўлими ходими томонидан олиб борилади, назорат йиғма жилдида маҳкумни ҳисобга олиш учун асос бўлган ҳужжатлар, унинг хулқ-атвори устидан назорат ҳамда суд орқали қўйилган мажбуриятларнинг бажарилиши билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар юритилади.

Шартли ҳукм қилинган шахс ҳарбий хизматга чақирилган тақдирда ички ишлар органлари суд ҳукми (ажрими) нусхасини ҳамда ҳарбий хизмат ўташ жойида унинг хулқ-атвори устидан назорат қилиш учун керакли бошқа ҳужжатларни мудофаа ишлари бўйича тегишли бўлимга юборади. Ҳарбий қисм (муассаса) қўмондонлиги ўн кунлик муддат ичида маҳкум рўйхатга олинганлиги тўғрисида, хизматни тугатганидан кейин эса, жўнаб кетганлиги тўғрисида ички ишлар органларига хабар қилиши шарт¹⁷³.

Шартли ҳукм қилинган шахслар суд томонидан зиммаларига юкланган мажбуриятларни бажариши, шунингдек чақирувга биноан ички ишлар органларида ҳозир бўлиши шарт. Узрли сабабсиз ҳозир бўлмаган маҳкум белгиланган тартибда мажбуран келтирилиши мумкин¹⁷⁴.

Маҳкум жазоларни ижро этиш инспекциясида ҳисобга олинганидан кейин унга суд томонидан юклатилган мажбурият ва бу мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда унга қандай қонуний чоралар қўлланилиши мумкинлиги тушунтирилади.

¹⁷² Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 176-моддаси

¹⁷³ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 176-моддаси

¹⁷⁴ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 177-моддаси

Суд ҳукмида вақти-вақти билан яшаш жойидаги ички ишлар органларида рўйхатдан ўтиш мажбурияти юклатилган маҳкумларга нисбатан уларнинг рўйхатдан ўтиш кунлари жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан белгиланади ва маҳкумга бу ҳақда хабар берилади. Бунда маҳкумдан тилхат олинган ҳолда далолатнома расмийлаштирилиб, назорат йиғма жилдида сақланади.

Маҳкумни ҳуқуқбузарлик содир этганлигини аниқлаш мақсадида пробация бўлими томонидан ҳар чоракда камида бир маротаба маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар базасидан текшириб борилади.

Агар шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида суд унга юклаган мажбуриятларни бажармаса ёхуд жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун унга маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилган бўлса суд унинг хулқи устидан назорат олиб боровчи орган тақдимномасига биноан жазонинг шартлилигини бекор қилиб, ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси “Пробация тўғрисида”ги Қонуни суд яшаш жойи, иш ва (ёки) ўқиш жойи ўзгарганлиги тўғрисида шартли ҳукм қилинган шахсларнинг хулқ-атвори устидан назоратни амалга оширувчи органларни хабардор қилиш мажбуриятини белгилаган пробация назоратидаги шахснинг яшаш жойи, иш ва (ёки) ўқиш жойи ўзгарган тақдирда, ушбу шахс яшаш жойи, иш ва (ёки) ўқиш жойи ўзгарганлиги ҳақида уч иш кун ичида туман (шаҳар) пробация бўлинмаларини хабардор қилиши шарт¹⁷⁵.

Ўзбекистон Республикаси “Пробация тўғрисида”ги Қонуннинг робация назоратидаги шахсларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилиши учун, шартли ҳукм қилинган пробация назоратидаги шахсга нисбатан синов муддати давомида жамоат тартибини ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун маъмурий ёки интизомий жазо чоралари қўлланилганлиги асос бўлади.

Ушбу асослардан бири аниқланганда туман (шаҳар) пробация бўлинмаси томонидан шартли ҳукмни бекор қилиш ва ҳукм асосида тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида судга тақдимнома киритади¹⁷⁶.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 72-моддаси асосида, жазонинг шартлилигини бекор қилиш тартиби белгиланган. Ҳукмни бекор қилиш эса ҳукм бўйича тайинланган озодликдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишларининг ижро этилишини, интизомий қисмга жўнатиш ёки хизмат бўйича чеклашни келтириб чиқаради. Бундай асосларга қуйидагилар киради:

¹⁷⁵ Ўзбекистон Республикаси “Пробация тўғрисида”ги Қонуннинг

¹⁷⁶ Ўзбекистон Республикаси “Пробация тўғрисида”ги Қонуннинг

- 1) шартли жазо тайинланган шахнинг ўз зиммасидаги вазифаларни бажармаслиги;
- 2) жамоат тартибини бузганлик учун маъмурий жазо чораларининг қўлланилиши;
- 3) меҳнат интзивомини бузганлик учун интзивомий таъсир чораларини қўлланилиши.

Мазкур асослар бўлган тақдирда, шартли ҳукм қилинган шахсни назорат қилаётган орган тақдимнома киритади, суд эса тақдимноманинг асосли эканлигига ишонч ҳосил қилгач, шартли ҳукм қилишни бекор қилиш ҳамда ҳукм бўйича тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин¹⁷⁷.

Ҳукм қилинган шахс ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажармаганлиги сабабли шартли ҳукмни бекор қилиш ҳақидаги тақдимномани кўриб чиқиш вақтида суд унга қонунда белгиланган вазифалар юклатилган-юклатилмаганлигини, уларни бажариш учун реал имконият бўлган-бўлмаганлигини аниқлаши шарт.

Озодликдан маҳрум қилиш кўринишидаги жазони шартли ҳукмни қўллаб тайинлашда суд ушбу жазони ижро этадиган колония турини белгиламаслиги керак. Шартли ҳукм Жиноят кодекси 72-моддасининг 6-қисмида назарда тутилган асослар бўйича бекор қилинганида эса, суд айтиш вақтининг ўзида маҳкум ҳукмда тайинланган жазони ўташи лозим бўлган озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ижро этиш муассасасини ҳам белгилаши керак¹⁷⁸.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 2006 йил 3 февраль 1-сонли қарорининг 36-бандида¹⁷⁹ қуйидаги қоидалар белгиланган. Шартли ҳукм қилинган шахс томонидан синов муддати давомида янги жиноят содир этилса, суд унга Жиноят кодекси 60-моддасида назарда тутилган қоидалар бўйича жазо тайинланади. Бунда суд, узиш-кесил жазо тайинлашдан олдин, шартли ҳукм қилинган шахснинг ҳулқи устидан назорат олиб боровчи орган тақдимномаси бор-йўқлигидан қатъий назар, биринчи ҳукмнинг шартлилигини бекор қилади. Бундай ҳолда, бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш пайтида суд, Жиноят кодекси 72-моддасининг еттинчи қисмида назарда тутилган шартларга риоя этган ҳолда яна шартли ҳукм қўллаши мумкин.

Айни пайтда, шуни назарда тутиш керакки, Жиноят кодекси 72-моддасида шартли ҳукмни бекор қилиш учун асос бўладиган ҳолатлар доираси қатъий белгиланган. Шу сабабли, агар шартли ҳукм қилинган шахснинг ўша иш бўйича ҳукм чиқарилгунга қадар содир этилган бошқа жиноятда ҳам айбдорлиги аниқланса, ушбу ҳолат жазонинг шартлилигини бекор қилиш учун асос бўла олмайди. Бундай ҳолда Жиноят кодекси 59-моддаси қоидалари

¹⁷⁷ Д.Н. Умаралиева. Значение обязанностей, возлагаемых на подконтрольных лиц в деятельности исполнения наказаний, не связанных с лишением свободы и пути ее улучшения.

¹⁷⁸ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 72-модда.

¹⁷⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 2006 йил 3 февраль 1-сонли қарори.

қўлланилмайди (чунки шартли ҳукм юридик табиатига кўра жиноий жазодан озод қилишнинг бир тури ҳисобланади) ва биринчи ҳамда иккинчи иш бўйича чиқарилган ҳар қайси ҳукм алоҳида ижро қилинади.

Шартли жазо ҳақидаги ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг маҳкум бутун синов муддати давомида судланган деб ҳисобланади. Агар шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида янги жиноят содир этмаган бўлса, шартли ҳукми эса суд бекор қилмаган бўлса, ҳукм ижро этилмайди ва шахс Жиноят кодекси 78-моддасининг «а» бандига мувофиқ, судланмаган деб ҳисобланади.

Амалиётда “Шартли ҳукм” институти “Синов муддати” сифатида идрок этилмоқда, бу эса ҳуқуқий терминологияни соддалаштириш ва қайта кўриб чиқиш заруратини кўрсатади.

Ўтказилган сўровлар натижасига кўра, амалиёт ходимларининг тахминан 65 фоизи “шартли ҳукм” тушунчасини “синов”, “синов муддати” ёки Жиноят кодексининг 72-моддаси билан боғлаб тушунтиради.

Бу ҳолат қуйидагилар билан изоҳланади:

- “шартли ҳукм” тушунчасининг мураккаб ва назарийлиги;
- “синов муддати” атамасининг содда ва тушунарлилиги;
- амалиётда натижадан кўра жараёнга кўпроқ эътибор қаратилиши.

Натижада, шартли ҳукмнинг ҳуқуқий табиати тўлиқ эмас, балки қисман — фақат “синов” сифатида қабул қилинмоқда.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, “шартли ҳукм” атамасини қайта кўриб чиқиш ёки уни амалиётга яқинлаштириш зарурати мавжуд.

Бироқ уни тўлиқ “синов муддати” билан алмаштириш мақсадга мувофиқ эмас, чунки:

- бу ҳолат жазо тайинлаш хусусиятини инкор этади;
- ҳуқуқий моҳият соддалашиб кетади.

Шу сабабли, шартли ҳукм тайинланган ҳолатларда “синов муддати қўлланган шартли ҳукм” деб юритилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, “шартли ҳукм” институти жиноят ҳуқуқида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг амалиётда тўғри тушунилиши катта аҳамият касб этади. Терминологияни такомиллаштириш орқали назария ва амалиёт ўртасидаги узилишни бартараф этиш мумкин. Бу эса ҳуқуқни қўллаш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

МАҚОЛАГА ОИД АДАБИЁТЛАР:

1. Жиноят-ижроия ҳуқуқи: Дарслик – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – 244 б.
2. Жиноят-ижроия ҳуқуқи: Дарслик – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – 244 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // URL: <https://lex.uz/docs/20596> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 29.04.2022).
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // URL: <http://lex.uz/docs/111453> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 29.04.2022).
5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси // URL: <http://lex.uz/docs/163629> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 29.04.2022).
6. М.Х. Рустамбаев. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ. Умумий қисм. Т-2016. Б-507
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги «Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4006-сонли қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.12.2021 й, 06/21/27/1116-сон.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 2006 йил 3 февраль 1-сонли қарори.
9. Д.Н.Умаралиева. Значение обязанностей, возлагаемых на подконтрольных лиц в деятельности исполнения наказаний, не связанных с лишением свободы и пути ее улучшения//
https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=6iXDnw0AAAAJ&citation_for_view=6iXDnw0AAAAJ:qjMakFHDy7sC